



# Ishonch

2016-yil  
13-avgust,  
shanba

№ 95  
(3756)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Мактаб ярмаркаси

## Сифатли ва қулай ўқув қуроллари

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида мактаб ярмаркалари фаолият кўрсатмоқда



Янги ўқув йили бошланишига санокли кунлар қолди. Мактаб учун харид қилинган қулай кийим-кечак, сифатли ўқув қуроллари ўқувчиларнинг йил давомида самарали таълим олишига замин яратди.

Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислохотлар самарасида таълим соҳасининг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб, сифати ошиб бормоқда. Ҳар йили янги ўқув йили арафасида мактаб ярмаркалари ташкил қилиниб, оналарга қулайлик яратилаётир.

— Мактаб ярмаркасига тушгандик, — дейди пойтахтлик Нигора Чориева. — Маҳсулотларнинг сифати яхши, нархи ҳам арзон экан. Керакли нарсаларнинг барчасини бир жойнинг ўзидан сотиб олдик.

Бу йил ҳам Халқ таълими вазирлиги томонидан аҳоли гавжум бўлган бозорларда, йирик савдо мажмуаларида, мактабларда 2 мингга яқин мактаб ярмаркаси ташкил этилди. Тоғли ҳамда чўл ҳудудларида кўчма автодўконлар хизмат кўрсатмоқда. Сотувга қўйилган 26 турдан зиёд товарлар — дафтар, ручка, ўчирғич, чизғич сингари анжонларнинг аксарияти юртимизда ишлаб чиқарилган. Расм, кундалик ва ёзув дафтарлари муқоваси миллий қадрият ва анъаналаримизга мос, ўқувчи-ёшлар онгига ижобий таъсир кўрсатувчи юртимиз манзаралари, буюк алломаларимиз суратлари билан безатилган.

Мактаб формалари тоза ипак ва пахта толасидан тайёрланган газламалардан тикилган. Улар қулай ва бежири, санитария-гигиена талабларига жавоб беради. Ўқув қуроллари кўриниши ихчам, сифати юқори. Маҳсулотларнинг аксарияти Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбекгилсаноат» акциядорлик жамияти, «Ўзбекгармпойабзали» уюшмаси, «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан етказиб берилмоқда.

» (2).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!



## Бу — Ўзбекистоннинг, истиқдолнинг ғалабаси!

Дзюдо бўйича терма жамоамиз аъзоси Дийрбек Ўрозбоев XXXI ёзги Олимпия ўйинларида делегациямиз ҳисобига дастлабки медални келтирди.

Оғирлик вази 60 кг. гача бўлган полвонлар беллашувида татамига чиққан истеъдодли спортчимиз Австралия, Швейцария, Бразилия ҳамда Грузия терма жамоаси аъзоларини мағлуб этиб, бронза медали совриндори бўлди. Биз чемпионнинг хонадониде бўлиб, ота-онаси билан сўхбатлашдик.

— Ҳар қандай ота-она фарзандининг бахтини кўриши истади, — дейди Дийрбекнинг отаси, шовотлик Бахтиёр Шарипов. — Ҳеч бир ғалабага ўз-ўзидан эришилмайди. Утган йиллар давомида ўғлимиз тобланиб борди. 2015 йилда бироз қийналди. Бир-бирдан кучли рақибларни енгиш осон эмас, ахир.

Янги йил арафасида онаси иккаламиз унга энг яхши тилакларимизни билдирдик: «Мана, кўрасан, сени катта омад кутиб турибди, ораунингга албатта эришасан». Айтганимиздек бўлди — икки ой давомида кетма-кет бешта медални кўлга киритди. Бу унинг ўзига бўлган ишончини оширди.

Тошкент халқаро аэропортида ўғлимизни Бразилияга кузатиб қўйдик. Айтдикки, «Ўғлим, сен олдинги мусобақаларда ўз шаънинг, ўз номинг учун курашдинг. Бу гал Ўзбекистон номи учун татамига чиқасан, бунинг масъулиятини бир лаҳза ҳам унутма».

Ойнаи жаҳон орқали жонли эфирда ўғлимиз татамига чиққан дақиқалардаги ҳаяжонимни, қалбимдан кечганлар

рени таърифлаб бера олмаيمان. Бутун қишлоқ уйимизга йиғилди. Мана, ҳар кун мамлакатимизнинг турли бурчларидан ҳамюртларимиз кўнғироқ қилиб табриклашяпти, хонадонимизга ташриф буюришяпти.

Бошимиз кўкка етди. Ахир бу, бутун Ўзбекистонимизнинг ғалабаси, истиқлолимизнинг ғалабаси! Мустақил-гимизнинг 25 йиллигига муносиб тўёна бўлганидан ниҳоятда мамнун бўлдик. Не бахти, ўғлимиз Президентимизнинг, халқимизнинг ишончини оқлади.

Мен «Ватанпарвар» ташкилотига ишлайман. Онаси — Норгул Абеова ўқитувчи. Ҳамма ота-оналар катори юрт қорига ярайдиган фарзандлар тарбиялашга ҳаракат қилдик. Болаларимиз кўнғилмизда дагидек инсонлар бўлиб воғга етаётгани учун шукронимиз чекмас.

Дийрбекни ҳар гал мусобақаларга кузатаётганимизда Юртбошимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!» деган сўзларини эслатаман. Бу сўзлар унга куч бағишлайди.

Шу ўринда ўғлимизга яқиндан кўмак берган мураббийлари Жамшид Худойберганов ва Вячеслав Петрейкога миннатдорлик билдираман.

17 августда Дийрбек 23 ёшга тўлди. Умид қиламизки, уни олдинда янги ғалабалар, янги марралар кутмоқда.

Ўз мухбиримиз

Жараён

Самарқанд вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги билим ва кўникмаларни оширишга қаратилган «Ўқув маркази» ташкил этилди.

## Ўқув маркази

Бу ерда бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари етакчиларининг меҳнат жараёнидаги хавфсизлик, иш қобилиятини сақлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитар-гигиена ишларини ташкил этишга кўмаклашяди.

Ўқув замонавий педтехнологиялардан фойдаланган ҳолда олиб борилади. Тингловчилар малакали мутахассисларнинг маърузаларидан баҳраманд бўлиш билан бир қаторда, вилоятдаги йирик корхона ва ишлаб чиқариш мажмуаларидаги меҳнат муҳофазаси йўналишида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш имконига ҳам эгадирлар.

Жамоат ташкилоти қуйи бўғини фаолларининг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги билимларини мустаҳкамлашга қаратилган ўқув уч кунлик дастурдан иборат.

— Меҳнат муҳофазасини амалдаги қонунлар асосида ташкил этиш ишлаб чиқариш билан боғлиқ турли кўнғил-сизиликларнинг олдини олади, — дейди вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлими мудири Усмон Каримов. — Мақсадимиз — меҳнат соҳасидаги тартиб устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиб келаятган касабаси уюшма раислари ҳар жиҳатдан мукамал билимга эга бўлишига эришишдир.

Ўз мухбиримиз

Ёшларга оид давлат еиёсати — амалда

## Севара уч тенгдошини ишли қилмоқчи



Нукусда «Ёш тadbirkор — юртга мададор» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда 130 нафар йигит-қиз ўз бизнес-режаси ва тadbirkорлик гоёлари билан иштирок этди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Марказий банк ва бошқа тижорат банклари ҳамкорлигида

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Марказий банк ва бошқа тижорат банклари ҳамкорлигида

анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур танлов ёшлар ўртасида тadbirkорликни ривожлантириш, уларнинг бу борадаги интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

— Бу йил танловнинг шаҳар ва туман босқичларида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 3 мингдан зиёд ёш тadbirkор қатнашди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Обод Донёров. — Улар асосан чорвачилик, паррандачилик, асарчилик, балиқчиликни ривожлантириш билан бирга, сервис хизмати кўрсатиш, тикувчилик, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўз гоёлари, бизнес-режаларини тақдим этди.

10 нафар ёш тadbirkорнинг бизнес-режаси истиқболли, деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўланма олди.

Ҳалилар орасида берунийлик Севара Эрқаева ҳам бор. У Беруний педагогика коллежини тамомлаб, қандолатчилик билан шуғулланиш ниятида.

— Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчиман, — дейди Севара. — Бу амалга ошса, уч тенгдошини иш билан таъминланади. Бизнес-режам мамлакат босқичида ҳам голиб деб топилса, банкдан оладиган кредитнинг фоизини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тўлаб беради. Биз, ёшларга бундай кенг имкониятлар яратиб бераётган Президентимиздан миннатдоримиз.

А.ОРТИҚБОВЕВ,  
Ўза мухбири

Касаба уюшмалари мустақиллик йилларида

## Тараққиёт билан ҳамқадам

Маълумки, истиқдолнинг дастлабки йиллариданоқ мухтарам Президентимизнинг саяё-ҳаракатлари билан мамлакатимизда озиқ-овқат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш, экспорт ҳажминини ошириш, ички истеъмол бозорини тўлиқ таъминлаш аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларига айланди.

Таъкидлаш жоизки, ҳукуратимиз томонидан қишлоқ хўжалиги ривожига кенг эътибор қаратилиши туфайли соҳада барқарор ўсиш суръатлари таъминланяпти. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиш кўрсаткичи ўртача 6-7 фоизни ташкил қилмоқда. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмининг бир неча баробар кўпайганлиги ҳам изчил саяё-ҳаракатлар самарасидир.

Узоқни кўзлаб, ҳар томонлама пишиқ-пухта ўйлаб амалга оширилаётган ислохотлар, яратилган қулай шарт-шароитлар, қолаверса, деҳқону фермерларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштирилмоқда. Энг муҳими, ҳосил салмоғи йилдан-йилга ортиб борапти. Жумладан, 2015 йилда 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд дон, 3 миллион 350 минг тоннадан кўпроқ пахта хомашёси етказиб берилди. Мева-

сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқларда ҳам юқори ўсиш суръатлари таъминланди. Утган йили далаларимиздан 12 миллион 825 минг тоннага яқин сабзавот ва картошка, салкам 2 миллион тонна полиз маҳсулотлари, қарийб 2 миллион 800 минг тонна мева, 1,5 миллион тоннадан зиёд узум маҳсулотлари йиғиштириб олинди.

Албатта, кўп нарса рақамлар ва муқоъсада ойдинлашади. 1990 йилларда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, аввало, дон, картошка, гўшт, сўт ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини импорт ҳисобидан қоплаган Ўзбекистон бугунги кунда аҳолининг муҳим кундалик истеъмол товарларига бўлган талабини тўлиқ ўзимизда етиштирилган маҳсулотлар ҳисоби-

дан қондириб қолмасдан, балки уларни катта миқдорда экспорт қилиш имкониятига ҳам эга бўлди. Утган давр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сўт ва сўт маҳсулотлари 1,5 қарра, картошка 9 марта, сабзавот 2,6 баробардан зиёд, мева 6,3 марта кўпайгани ҳолда, 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар дунёнинг 100 га яқин давлатларига экспорт қилинаётир.

Мамлакатимизда сабзавот, полиз, картошка экин майдонлари, шунингдек, боғ ва тоқзорлар кенгайтирилиши билан бирга, ишлаб тармоқларда ишни тўғри ташкил қилиш орқали самарадорликни ошириш имконияти яратилган. Яъни, деҳқон ва фермер хўжаликлари, аҳоли томорқаларида

экинлар экилиши бўйича мониторинг юритиш механизми йўлга қўйилиб, зарур миқдордаги уруғлик, минерал ўғит, ёнигли-мойлаш маҳсулотлари, мевали дарахт кўчатлари етказиб беришнинг мақбул тизимига асос солинган.

Юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари захиралари фақат экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига эмас, балки жаҳоннинг илғор тажрибалари, замонавий ва интенсив агротехнологияларнинг татбиқ қилинаётгани, истиқболли навлар яратилиб, амалиётга жорий этилаётгани туфайли мустаҳкамланаётир. Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олим ҳамда мутахассислари томонидан мева ва узумнинг 40 дан ортиқ серхосил навлари яратилди. Олма, нок, беҳи, шафтоли, ўрик, гило, бодом, ёнғоқ, қорағат ҳамда қулупнайнинг кўплаб навлари юртимизда экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритиш ва районлаштириш учун тақдим этилди.

» (3).

# БУГУННИНГ НАФАСИ

Жамоатчилик қабули

## Юзма-юз мулоқот самараси

Ўтган йилнинг сўнги чорагида вилоят касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан ҳар ойнанинг шанбаси «Жамоатчилик қабули» кунини эътиборга олишга қаратилган. Барча тармоқ касаб ва уюшмаларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари боис юзма-юз мулоқотлар уюштирилиб, қайд этилган 276 тадан ортиқ муурожаатлар ўз вақтида ҳал этилди.


Бунинг учун энг аввало, тарғибот ишларига зўр берилди. Ташкил этилаётган қабулларнинг мазмун моҳияти аҳолига тушунтирилди. Меҳнат жамоаларига бошланғич касаб ва уюшма ташкилотлари орқали, фуқароларга маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинган ҳолда сай-ҳаракатлардан қўзланган мақсад етказилди. Эътиборли жиҳати, тааллуқлилик даражасидан қатъий назар қабулда кўтарилган масала рўйхатга олиниб, тегишли ташкилотларга йўлланаётган. Ўтган давр мобайнида туманимиз миқёсида меҳнаткашлар томонидан кўтарилган ўттиздан ортиқ масалага ечим топди.

Муурожаатлар турлича. Масалан, ўтган ой охирида жамоатчилик қабулида 10 нафар фуқаро қабулда бўлди. «Чоршанба» маҳалласида яшовчи Қамариддин Тожиёв қизлари тивувчилик соҳасида тахсил олганини, оилавий корхона ташкил этишга кўмак кўрсатишни сўради. Бу масалани тумандаги «Ягона дарча» ташкилоти билан маслаҳатлашган ҳолда ҳал этилди. «Кониғил» маҳалласида яшовчи Холиқ Тожиёв эса уй-жой қуриш учун ер улашқасини қай тарзда олиш мумкинлиги буйича маслаҳат сўраб келганини билдирди. Унга ҳам мутахассислар ёрдамида муфассал жавоб берилди. Иш ахтараётган Фаруддин Нурматовга эса бандлик идораси томонидан вакант иш ўринлари аниқлаб берилиб, ишга жойлаштиришга кўмаклашилди. Шу кунги тадбиримизда бирлашма кенгашининг юридик бўлими масъул ходими иштирок этгани айни муддао бўлди. Ҳуқуқий мавзудаги муурожаатлар тўла қаноатлантирилди. Муурожаатлар шаклига қараб тумандаги ҳамкор ташкилотлар вакиллари тақлиф этиш режасини ишлаб чиққанмиш. Бу эса ҳеч бир савол жавобсиз қолмаслигини таъминлашга хизмат қилади, албатта.

Илгари ташкилотимиз томонидан ўрта ҳисобда 35-40 атрофида муурожаатлар қайд этиларди. «Жамоатчилик қабули» кунлари белгилаб қўйилганидан сўнг, касаб ва уюшмалари билан ҳамкорлик қилаётганлар сонини ортиқ. Фуқароларимиз ўзларини қизиқтирган барча масалаларга жавоб олиш имконига эга бўлишди.

Ботир ХОЛИЁРОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб ва уюшмаси Самарқанд туман кенгаши раиси

Дастур асосида



## Навбатдаги семинар иш бошлади

ЎзКУФК ўқув марказида Халқаро меҳнат ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида имзоланган 2014 — 2016 йилларга мўлжалланган Муносиб меҳнат дастурида кўзда тутилган Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси учун ўқитувчи-тренерларни тайёрлаш лойиҳаси доирасидаги 3-семинар ўз ишини бошлади.

Мазкур семинарда иштирокчилар ўқув машғулотларини замонавий ва интер-

фоол усулда ташкил қилиш, унинг таъминоти ҳамда ўқув йўналишида қандай адабиётлардан фойдаланиш, кичик гуруҳларда ишлаш усуллари ва шакллари оид назарий ва амалий билим ҳамда кўникмаларини ошироқдалар. Шунингдек, тингловчилар томонидан танлаб олинган мавзулар буйича ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлаш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Лойиҳа Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё

давлатлари Бюросининг техник кўмагида амалга ошириляётир. Семинар машғулотлари Молдова касаб ва уюшмалари Конфедерацияси Меҳнат институтининг малакали мутахассислари Д.Сурчану ва В.Чоариклар томонидан ўтказилаяпти.

Давронбек ОРИПОВ, «Ishonch» муҳбири. Салим АБДУРАҲМОНОВ олган суратлар

Фаолиятга назар

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаб ва уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши ва бошланғич касаб ва уюшма ташкилотлари томонидан «Соғлом она ва бола йили» дастурида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

## Эътибор ифодаси

Тармоқ касаб ва уюшмасига олинган корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи аёлларнинг манфаатларига доир ишлар самардорлигига эришиш учун кўпгина ташаббуслар кўтариб чиқилди. Меҳнаткашлар ва улар фарзандларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, санаторий ва оромгоҳларда соғломлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари, ходимлар ва уларнинг фарзандлари ўртасида спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш, ёш оилаларга йўлланмалар ажратиш, тарихий жойларга саёхатлар уюштириш, ёш оилаларга қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида қуриляётган уй-жойларни сотиб олишга дастлабки бадалларни тўлаш учун ссудалар ажратиш ишларига эътибор ҳар қачонгидан қучайтирилди. Жумладан, ёш оилаларнинг 2 нафари «Умид гулшани» санаторийсида бепул соғломлаштирилди. «Хоразм шакар» корхонаси ишчиларига 50 миллион сўмлик фойсиз ссудалар берилди. Шаҳар касаб ва уюшма тармоғига олинган ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчилар ва улар фарзандларининг тарихий шаҳарларга саёхати уюштирилди. Спорт билан шуғулланиш, мусобақалар ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Шаҳар кенгаши тасарруфидаги бошланғич касаб ва уюшма ташкилотларида «Аёл борки, олам мунаввар» мавзусида маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ва учрашувлар ташкил қилинди. Ушбу тадбирларда 700 нафарга яқин хотин-қиз иштирок этди. «Касаб ва уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида соҳа ходимларининг 140 нафар фарзанди учун саёхатлар уюштирилди.

Ф. БОЛТАЕВ, тармоқ ходимлари касаб ва уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси

## Сифатли ва қулай ўқув қуроллари

Мамлакатимизнинг барча ҳудудда мактаб ярмаркалари фаолият кўрсатмоқда

(1). Пойтахтимиздаги Чорсу бозори қошида ташкил этилган мактаб ярмаркаси ҳам аҳоли билан гажум. Ота-оналар фарзандларини етаклаб бозор томон оқишмоқда, кўзлари қувондан порлаган ўғил-қизлар хариддан мамнун уйга қайтмоқда.

— Фарзандларимга керакли бўлган барча ўқув қуроллари харид қилиб, хурсанд бўлдик, — дейди Мафтуна Саидалиева. — Китоб-дафтарларнинг сифати юқори. Ярмарка тураржой мавзесининг ёнгинасида ташкил этилгани, савдо тармоқларида тўлов терминалларининг ишлаб тургани яна бир қулайлик.

Бозор расталарини кўздан кемираётиб, ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча-русча лугатлар эътиборимизни тортди. Бу ерда сўзлашув лугатлари ўқувчи ёши ва даражасига қараб таснифланган. Бундан ташқари француз, немис, испан, турк, корейс, хитой, япон тилларини ўрганувчилар учун ҳам лугатлар мавжуд.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини тўғрисида»ги қарори асосида мамлакатимизда хорижий тиллар таълими янги босқичга кўтарилди. Ўғил-қизларга мактабга-ча таълим муассасалариданоқ инглиз тили ўргатишмоқда. Шу боис мактаб ярмаркаларида савдо кенг йўлга қўйилган турли лугатларнинг хариди қаққон.

Чет тилларни ўрганишга қизиқман, — дейди Шайхонтохур туманидаги 314-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Моҳинур Бўриева. — Янги ўқув йилида инглиз тилидан фан олимпиадасида иштирок этмоқчиман. Ярмаркадан ўзбекча-русча-инглизча лугатини сотиб олдим.

Мактаб ярмаркалари шу йилнинг 10 сентябрига қадар фаолият кўрсатади. Моҳиғул ҚОСИМОВА. ЎЗА

Юрт жамолли

## Тўйга тўёна

Истиқлолимизнинг чорак асрлик тўйи арафасида юртдошларимизнинг кайфияти ободончилик ишларига ҳамоханг тарзда юксалиб бораётганини илғаш қийин эмас. Хусусан, туманимизда ҳам ҳар бир кун яхши янгилик билан безалайтгани кўнгилга фараҳбахшилик улашади.

Байрам тантаналари арафасида фойдаланишга топшириладиган ижтимоий соҳа объектиларнинг тантанали очилиш маросимларини кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, кўтаринки кайфиятга ўтказиш учун тайёргарлик ишлари Чортоқда ҳам авж олаётган. «Умумий Бештол» маҳалласидаги 39-умумтаълим мактаб филиалига 96 ўқув ўринли бино, «Қоробог» маҳалласида жойлашган 15-умумтаълим мактаби учун спорт зали фойдаланишга топширилиш арафасида.

Ўтган йилларга назар ташласак, республикамиз мустақилликка эришгандан буён тумандаги 17 та таълим муассасаси ўқувчиларини учун спорт заллари қуриб берилди, 13 та умумтаълим мактаби бинолари капитал реконструкция қилинди. 38 та умумтаълим мактаби ҳамда 5-ДММИ бинолари капитал таъмирдан чиқарилди.

Иброҳим МИРЗАБДУЛЛАЕВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб ва уюшмаси Чортоқ туман кенгаши раиси

Давлатимиз раҳбарининг «Қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилояти Денов туманида намунавий лойиҳа асосида 190 та уй-жой қуриб битказилиш арафасида. Қувонарлиси, ушбу уй-жойларни Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Намунавий лойиҳа асосида бунёд этил-



Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» муҳбири

«Оналари соғлом — болалари баркамол Ватан!» республика танловига

## Шукронамиз шунча кўпки...

Қиш қаҳридан азият чекиб, зўриққан жон кўкда офтоб кулган, заминда гулзорлар яшаган кўклани ҳаммадан кўпроқ қадрлаши табиий. Эски тузум даврида туғилиб, вояга етган бизнинг авлод вакиллари учун Ўзбекистон мустақиллигининг қанчалар улғу неъмат эканлиги ҳам аслида шундан.

Яқинда Тошкентдан Қамчиқ довони орқали Андижонга қайтишда икки қадрдоним билан ҳамроҳ бўлиб қолдим. Уларнинг бири — тажрибали тиббиёт ҳамшираси Эъзозхон Болтабоева, иккинчиси доришунос Ўғилхон Насиббоева эди.

— Тоғ йўлининг гўзаллигини, хавосининг тозаллигини қаранг. Кўз қувонади, кўнгил яйрайди, — дейди Эъзоз опа ҳайрат-ҳаяжонини яширолмай.

— Секинроқ айтасизми, — қўлаб-қувватлади Ўғилхон опа. — Азамат йўлчилар тоғниям буйсунидиришди-я! Дастлаб енгил автомобиллар учун маҳабатли ер ости йўллари қурилди, йўллар кенгайиб, узогимиз яқин бўлди дея роса қувондик. Мана энди Ангрэн — Поп йўналиши буйича электрлаштирилган поезд йўли ҳам битказилди. Айниқса, мен каби Тошкентдан куда тутганларга, кўйинги, бутун водий аҳлига антиқа совға бўлди-да.

— Мустақилликка эришганимиздан буён халқимиз учун бунақа совғалар кўп бўляпти. Билсангиз, бу йил Олтинкўл тиббиёт бирлашмасининг касаб ва уюшма кўмитаси томонидан мен каби узоқ йиллар ишлаган етти нафар она учун Андижон-Тошкент-Бухоро-Самарқанд йўналиши бўйлаб уюшма маблағи ҳисобидан саёхат уюштирилди. Сафар давоми-

да кўз қувонадиган ишлар мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида амалга ошириляётганига гувоҳ бўлдим. Пойтахт Тошкентнинг кейинги йиллардаги хусну жамолига-ку, гап йўқ. Кўксимни тўлдирган ҳаяжон азим Бухороийи шарифда янада ошиб кетди. Самарқандни томоша қилганимда, ҳозир кўпчиликнинг кўнгида кечаётган «ким эдибу ким бўлди» деган саволга ўнлаб, юзлаб жавоб топдим. Соҳибқирон Амир Темури давридаги маърифат ва маданиятга эътибор бизнинг давримизда янада юксалганига тўла ишонч ҳосил қилдим, — деди Эъзоз опа.

— Юртимизнинг бугунги фаровонлиги ўз-ўзидан бўлмаганини фарзандлар, набираларга тушунтириш эндиликда бизнинг зиммамизда, — Ўғилхон опа сўхбатга жиддий тус берди. — Улар учун таълимда ҳам, соғлиқни сақлаш, санъат ва адабиётда ҳам ҳамма шарт-шароит яратилиб бўлди. Улар бу гулгун Ватанининг қадрига етиши, унинг мустақиллигини асраб-авайлаши керак.

— Яшанг, Ўғилхон опа. — дея маъқулладим мен. — Андижонимизда, ҳатто, ўзимизнинг кичиккина Олтинкўл туманимиздаги ўзгаришлар-чи! Ўтган асрнинг саксонинчи йилида Олтинкўлга келин бўлганман, биласиз. Ростини айтсам, дастлаб кўниколмай роса қийналганман. Ахир шундоқ... томорқасига пахтазор тутатиш кетган, ҳовлиси атрофи гўзаюпа билан ўралган, гўвала деворли уйларга тушганман-да. Мана энди ҳозирги намунавий лойиҳа асосида қурилган, шарт-шароит муккамал уйларга боқинг. Шуларни ўйласам, мустақилликнинг қадрини юксалиб бораверади. Олтинкўл туман марказининг ўша пайтдаги ҳолати билан ҳозиргисини солиштиришнинг ўзигина минг бир шукронага арийди.

— Ушанда, болангиз бемор бўлиб бизнинг поллари тешик шифохонамизда даволанганингиз эсингиздами? — кулимсиради Эъзоз опа.

— Бўлмасам-чи! Уша шароит шприцларидан устама сарик касалини юктириб, қирқ кундан кейин юкумли касалликлар бўлимига ўтказганларингиз, у ерда далага сепилган бутифосдан сарик бўлиб ётган болаларнинг кўплиги ҳам эсимда.

— Хуллас, икки давр — икки хил тарих. Бугун Олтинкўлда шифокорлар шаҳарчаси пайдо бўлди. Тиббиёт бирлашмасининг қарийб ҳамма бўлими янгидан қурилди. Тугрук, ички касалликлар ёки болалар бўлими, айниқса, шоши-

линч даволаш бўлимини айтмайсизми? Ҳамма бўлимлар замонавий тиббиёт анжомлари билан тўлиқ таъминланган. Бундан ташқари, тумандаги янги қурилган 25 та ҚВПлар аҳоли учун катта қулайликлар яратди. Тошкентдаги шифохоналардан сирра қолишмайди.

— Ха, ҳозирги келинларнинг омади бу, — гап қўшади Ўғилхон опа.

— Яна битта рост гап шуки, ҳозир касални даволашдан кўра, унинг олдини олишга аҳамият бераёпмиз, — Эъзоз опа гурур билан гапирди.

Опалар билан гурунг Олтинкўл туманида Соғлом она ва бола йили муносабати билан қабул қилинган дастур асосида амалга оширилган ишлар билан батафсил танишиш иштиёқини уйғотди.

— Янги қурилган кўп тармоқли марказий поликлиникада жорий йилнинг олти ойи давомида барча аҳоли чуқурлаштирилган тиббий куриқдан ўтди, — дейди сўхбатдошим тиббиёт бирлашмаси «Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш» бўйича раҳбар ўринбосари Эулхуморхон Ҳайдарова. — Кўкрак саратони касаллиги хавф туғдираётгани боис, вилоят онкология диспансерида ўтказилган текширувларда касаллик белгиси аниқланган 17 нафар аёл дарҳол соғломлаштириш режаси асосида рўйхатга олинди.

Туманда фаолият кўрсатаётган 7 та коллеж, 50 та мактабнинг ҳар бирида бу борада маъруза ва сўхбатлар уюштирилди. Ўтказилган учрашув ва давра сўхбатларида тиббиёт ва ҳуқуқ соҳасининг таниқли вакиллари томонидан «Болалар тарбияси ва оилавий турмуш масалаларида эр-хотин ҳуқуқлари», «Никоҳларнинг ҳуқуқий аҳамияти, эрта ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибати», «Юртимизга соғлом она, соғлом бола керак» мавзуларида сўз юритилди.

Олтинкўл тиббиёт бирлашмаси касаб ва уюшмаси кўмитаси раиси хонасида ҳужжатлар билан танишарканман, тиббиёт ходимларининг кўтаринки кайфияти бежиз эмаслигини англадим. Уюшма ўтказган аксарият тадбирлар бугунги оналарнинг маънавий оламини тиниклаштириш, кенгайтиришга хизмат қилади. Масалан, тиббиёт ходимлари ўртасида ташкил этилган «Соғлом оила» кўрик-танловига 7 та ёш оила вакиллари қатнашди.

— Ҳакамларга осон бўлмади. Чунки, етти оила ҳам бугуннинг фаровон ҳаётига лаббай, дея жавоб бера оладиганлардан экан. Танлов барибир танлов-да. Кимдир голиб бўли-

# ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

# Тараққиёт билан ҳамқадам

**Ў(1).** Сабзавот, полиз экинлари ва картошканик илмий-тадқиқот институти селекционер олимлари томонидан эса ҳосилдор, юқори сифатли ҳамда касалликка чидамли сабзавот экинларининг 41, полизининг 5, картошканин 6 та янги нави яратилди.

Айтиш жоизки, дунёнинг кўплаб давлатлари ҳавас билан қарайдиган бу ютуқлар замирида Юртбошимиз томонидан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ички имкониятлар ҳисобига барқарор таъминлаш, шу билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги муҳасамдир.



Давлатимиз раҳбарининг 2016 — 2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қарори асосида тупроқ унумдорлиги ва балл-бонитети паст, мелiorатив ҳолати ва сув таъминоти оғир, кам ҳосили ва паст рентабелли пахта ва бошоқли дон экинлари майдонларини қисқартириш ва улар ўрнига экспортбон мева-сабзавот, картошка ва бошоқ экинларни оқилона жойлаштириш белгиланди. Умуман олганда, бу имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш натижасида 2020 йилда 2015 йилга нисбатан сабзавот ва картошка етиштириш 30-35 фоизга, мева ва узум етиштириш 20-25 фоизга кўпайиши кўзда тутилмоқда.

Республикамизда охириги беш йил ичида замонавий агротехнологиялар асосида 32 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 33 минг гектар ерда янги тоқорлар яратилди. Бундан ташқари, 36,6 минг гектар яроқсиз мева-ли боғлар ва 26,8 минг гектар тоқорлар реконструкция қилинди.

Амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва пишиқ-пухта ўйланган амалий тадбирлар натижасида мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичлари барқарор равишда ортб бормоқда. Юқори сифатли навларни экиш, агротехник тадбирларни ўз муддатида, сифатли ўтказиш ҳисобига ҳосилдорликда катта ўсишга эришилди. Ҳисоб-кисса қиладиган бўлсак, 2005 йил муқодалик сабзавотчиликда гектарига 268 центнерни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилга келиб 277,1 центнерга, полизчиликда 181, центнердан 201,3 центнерга, картошканиликда 186 центнердан 213,6 центнерга, боғдорчиликда 62,3 центнердан 123,9 центнерга, узумчиликда эса 64,7 центнердан 126,7 центнерга етди.

Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фермерлар учун янада кенг имкониятлар эшигини очди. Деҳқонларнинг ўз даласида етиштирилган маҳсулотини ички ва ташқи бозорларда эмин-эркин сотишлари учун қонуний тизим яратилди.

Давлат бюртмаси учун 2016 йил ҳосилидан бошлаб 4 миллион 77 миң тонна ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари қабул қилиш белгиланган. Уларнинг 2 ярим миллион тоннадан ортиги фермер хўжаликлари, 1 ярим миллион тоннадан зиёда эса деҳқон хўжаликлари томонидан етказиб берилди. Режалаштирилган ушбу маҳсулотларнинг 2 миллион 217 миң тонна қайта ишланиб, 1 миллион 477 миң тоннаси



экспортга чиқарилса, қолган қисми аҳолини қиш ва баҳор ойларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан улуғсиз таъминлаш учун захирага гаиланади. Мустақиллик йилларида Юртбошимиз томонидан фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Олиб борилган ислохотлар натижасида фермер хўжаликлари бугунги кунда қишлоқ хўжалигида етакчи қўчга айланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 октябрдаги «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси» баёни ҳамда 2015 йил 15 декабрдаги 362-сонли қарорига мувофиқ фермер хўжаликлари ер участкаларини оптималлаштириш жараёнида ўн етти миңдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилиб, жорий йилнинг январ ойи якунига қўра фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони юз миңдан зиёда ташкил этди.

Тармоқда меҳнат қилаётган ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилиш борасида Агроранойат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ўзига хос ўрин тўтиб, изчил фаолиятни йўлга қўйган. Бугунги кунда тармоқ касаба уюшмаси ҳар бир ходимнинг меҳнатга, ижтимоий ҳимоя, дам олишга бўлган ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиб, уларнинг фаровон ҳаёт кечирishiда муносиб қўмақ кўрсатиб келяпти.

Жумладан, сўнгги йилларда фаолиятда сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Касаба уюшмаси тузилмасини такомиллаштириш, Республика кенгашининг функциялари аниқ белгиланиши касаба уюшмасининг тармоқ принципи бўйича фаолиятини кучайтириш, бошланғич ташкилотларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиришга замин яратди.

Касаба уюшмаси тузилмасини такомиллаштириш, аъзолар манфаатини ҳимоялаш ишларининг самардорлигини ошириш мақсадида 2011 йилдан бошлаб қўйи бўғин, яъни бошланғич ташкилотларни кучайтиришга алоҳида ургу берилди бошланди.

2014 йилда қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жа-

миятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурлар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлади.

Республика кенгаши тизимида 166 та туман, шаҳар кенгашлари тузилди ва жойларда адлия бошқармалари томонидан ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 19 апрелдаги 2-1-сонли қарори ижроси юзасидан тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши Федерацияси Кенгаши ташкили ишлар бўлими билан ҳамкорликда фермер хўжаликлари ягона тизимга бириктириш борасида ҳар бир туманда маъмурий ҳудуд тузилишидан келиб чиқиб, «Худуд фермер хўжаликлари бошланғич касаба уюшма кўмитаси» тизими ишлаб чиқилди. Масалан, Тошкент вилояти Урта Чирчиқ тумани «Қумовул» ҳудуди фермер хўжаликлари касаба уюшма кўмитаси тузилиб, ҳудуддаги янги ташкил этилган барча фермер хўжаликлари цех касаба уюшма ташкилоти сифатида мазкур бошланғич кўмитага киритилди.

Жорий йилнинг 29 апрел кунини мазкур тизимни оммалаштириш бўйича Тошкент вилояти Урта Чирчиқ туманида Федерация Кенгаши ташкилий ишлар бўлими билан биргаликда Республика кенгашининг ҳудудлар бўйича маъсул ташкилотчилари ҳамда Тошкент вилояти туман кенгаши ходимлари иштирокида Республика семинари ўтказилди. Семинар якунида иштирокчилар янги ишлаб чиқилган тизим лойиҳаси берилди. Шу билан биргаликда, Республика кенгаши аппарати ходимлари ўзлари бириктирилган ҳудудларда ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши билан ҳамкорликда семинарлар ўтказишди. Ушбу масала юзасидан жойларда янги ташкил этилган фермер хўжаликлари касаба уюшмасига жалб қилиш, уларда жамоа шартномалари имлозианинги таъминлаш борасида доимий мониторинг олиб борилмоқда.

Нодавлат секториди барпо этилаётган корхоналарда касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларини тузиш бўйича кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида тармоқ касаба уюшмасининг ҳар бир масъул ташкилотчи, туман, шаҳар кенгашлари томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Нодавлат секториди янги барпо этилаётган, тармоққа мансуб корхона ва муассасалар ҳамда фермер хўжаликлари оптималлаштириш жараёнида янги ташкил этилган ва жойлардаги туман ҳокимликлари қошида тузилган ягона дарнадан рўйхатдан ўтказилган фермер хўжаликлари рўйхатига аниқлик киритилиб, бевосита шу ташкилотларда ходимларини касаба уюшмаси аъзоларига жалб этиш ишлари амалга оширилди. Натижада, шу кунга келиб тармоқ касаба уюшмаси аъзолари 1 767 336 нафарни, бошланғич ташкилотлар сони 5 564 тани ташкил этмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-санойат палатаси ўртасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси масалаларига оид 2011 — 2013 ва 2014 — 2016 йиллар учун қабул қилинган Бош келишувлар асосида Республика кенгаши томонидан тармоқ тизимига киривчи вазирлик, идора, уюшма ва компаниялар билан жами 15 та тармоқ келишувларини тузилиши фаолиятининг янги истиқболларини белгилаб берди.

Қабул қилинган тармоқ келишувларига асосан, янги ташкил этилган, юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилиб, уларга давр талабидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ва ўзгартришлар киритиб берилди. Тармоқ тизимиди аёллар ва ёшларни меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Бу борада Республика кенгаши қошида ташкил этилган Хотин-қизлар ва Ёшлар кенгашлари таркибли қайта қўриб чиқилиб, малакали кадрлар билан мустаҳкамланди ва муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, корхона ва ташкилотлардаги жамоа шартномаларига Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Хал-

қаро меҳнат ташкилоти Конвенцияларининг аёллар ва ёшлар меҳнатига оид талаблари жамоа шартномаларига киритиб борилиши таъминланди.

Инсон ҳаёти ва саломатлигини муҳофазалаш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, ходимларга талаб даражасида соғлом ва хавфсиз меҳнат ҳамда санитария-гигиена шароитларини яратиш масалалари устувор ўрин эгаллайди. Тармоқ касаба уюшма ташкилотлари иш берувчилар билан биргаликда меҳнат муҳофазаси соҳасига оид долзарб вазифаларнинг ижроси бўйича муайян ишларни амалга оширди.

Тармоқ бўйича жамоа шартномаларидаги меҳнат муҳофазаси бўлимлари ва корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси ўртасидаги меҳнат муҳофазаси бўйича битимларнинг сифатли тузилиши ва ижросига эътибор қаратилди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича битимларда кўрсатилган тадбирлар учун 2010 йилда 16 млрд. 5 млн. сўм сарфланган бўлса, 2016 йилга келиб ушбу кўрсаткич 34 млрд. 645 млн. сўмни ташкил қилди. Бош келишув ва тармоқ келишувлар ижросини таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган Конвенциялари ва халқаро меҳнат стандартлари бўйича 2015 йилда 39 миңдан зиёд фермер хўжаликлари раҳбарлари ва тармоқ тизимиди ташкилотлар ходимлари ўқитилган бўлса, жорий йилнинг январ-март ойларида 42 миңдан зиёд фермер хўжаликлари раҳбар ва ходимлари малакаси оширилди.

Аъзоларни юртимизнинг тарихий обидалари ва мустақиллик йилларида барпо этилган диққатга сазовор жойларга саёҳатини уюштириш борасида «Касаба сайр» шўба корхонаси билан ҳамкорликда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг ҳар томонлама етуқ мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан қабул қилинган қўшимча қарорга асосан «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови эълон қилинди. Шунга асосан Агроранойат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда «Ўзбекистонқовқатхолдинг» холдинг компанияси томонидан «Энг фаол ёш озиқ-овқат саноати ходими» танлови ўтказилди. Унда ҳар бир ҳудудларнинг корхона, ташкилот ва муассасалари бўйича туман ва вилоятлар босқичларида голибликни қўлга киритган 12 нафар ёш озиқ-овқат саноати ходими иштирок этди.

Қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқларнинг асосий омилларидан бири соҳадаги ислохотларнинг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилиб, улар босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги ҳамда қонун устуворлиги таъминланаётганлигидир. Бундай мустаҳкам асосга эга бўлган соҳа келгусида ҳам барқарор ривожлантириш кўрсаткичларини намойён қилади.

**Хусан БЕГМАТОВ,**  
Агроранойат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўйича мутахассиси

## Мутахассис минбари

**Бугунги кунда солиқ тизимиди ҳисоботларни электрон кўри-нишда жўнатиш учун кенг қўлайликлар яратилган. Шу боис ҳар бир солиқ тўловчи корхонада раҳбар ва масъул ходимнинг ҳисоботларни электрон кўри-нишда жўнатиш бўйича малакаси шаклланган бўлиши муҳим ҳисобланади.**

## Солиқ тўловчиларга қўлайликлар

Аввало, солиқ тўловчи электрон рақамли имзога эга бўлиши лозим. Бунинг учун интернет орқали Давлат солиқ қўмитасининг [www.hisobot.uz](http://www.hisobot.uz), [www.e-hisobot.uz](http://www.e-hisobot.uz) ёки [www.otchet.uz](http://www.otchet.uz) махсус сайтларидан бирига кириш кифоя. Ҳар бир корхона солиқ тўловчининг идентификацион рақами ва паролни териб, солиқ ҳисоботларининг шакллари-ни тўлдирган ҳолда уни тегишли ҳудудий давлат солиқ инспекциясига жўнатади.

Бунинг учун, аввало, зарур бўлган ҳисобот шакллари-ни тўлдирш учун танлаб олинади. Масалан, «солиқ ҳисоботлари»нинг биринчи бандига кирилади ва «ягона солиқ тўлови» банди танланади. Шундан сўнг «Маълумотнома — ягона солиқ тўловчининг ҳисоб-китоби» бандига керакли маълумотлар киритилади.

Жўнатишдан олдин ҳисоботи яна бир марта таҳрир қилиш («таҳрир қилиш тугмаси»), қозоғга чиқариш («қозоғга чиқариш») мумкин. Ҳисобот жўнатишга тайёр эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилинган («Жўнатиш» («OK») тугмаси босилади).

Электрон тартибда жўнатишган солиқ ҳисоботи учун қон довомиди солиқ инспектори томонидан текширилади ва унга «қабул қилинган» ёки «рад этилган» («қайтарилган») мақоми тақдим этилади. Жўнатишган ҳисоботнинг мақомини «Рўйхатдан ўтказиш дафтра» (менюнинг «ЭҲМ» бандида текшириш мумкин.

Агар ҳисоботга «Рад этилган» («қайтарилган») мақоми берилган бўлса, бу унда хато борлигини билдиради ва корхона томонидан уларга тузатиш киритилиши, сўнгра қайтадан жўнатилиши керак бўлади. Ҳисоботнинг ўз вақтида топширилганиги ва солиқ инспектори томонидан имзоланганлигига ишонч ҳосил қилиш учун «Рўйхатдан ўтказиш дафтра»нинг «Батафсил маълумот» бандига кириб, тақдим этилган ҳисобот бўйича маълумот олиш имконияти мавжуд. Шу тариқа солиқ тўловчилар ҳисоботларини электрон кўринишда камчиликларсиз топшириши мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, Тошкент вилояти давлат солиқ идоралари томонидан ҳам ҳудудда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлардан ҳисоботларни электрон қабул қилиш йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилнинг 2-чорак якунига қўра бу кўрсаткич 27120 тани ташкил этди. Ҳисоботларни электрон тарзда тақдим этиш анча осонлиги, тезлиги ва вақтни тежашини билан аҳамиятлидир.

**Лобархон АЗАМАТОВА,**  
Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси

ши керак. Соврин бирлашма қабул бўлими фелдшер Козимжон Исмонов ва ҳамшира Муштарий Исмоновалар оиласига насиб этди. Гап муқофотда эмас, танлов баҳона кишиларимизнинг дунёқарашини, болалар тарбиясига, эр-хотин аҳилиги борасидаги муносабати ойдинлашди. Ахир, соғлом она ва соғлом бола тақдири ҳар биримизнинг зимамизга масъулият юклайди-да, — дейди касабақўм раиси Абдулхамид Сулаймонов.

Ҳаракат ва изланиш ҳеч қачон самарасиз кетмайди. Бирлашма касаба уюшмаси йил бошиданқо болаларнинг ёзи оромгоҳлари тайёрларгани билан жиддий шуғуллангани бугун натижасини бериб турибди. Туманининг ўрмон ҳўжалиги ҳудудида жойлашган «Навбахор» болалар оромгоҳи салқин, жуда баҳаво. Бу масканда болаларнинг дам олиши учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Тиббиёт ходимларининг 100 нафар фарзанди ёз давомиди мириқиб дам олишди. Яна 26 нафар бола эса «Шифокор» оромгоҳида ҳордиқ чиқарди. Оромгоҳ йўлланмалари эҳтиёжманд оилалар фарзанди учун тўлиқ имтиёбли бўлди.

Абдулхамид ака папкадаги ҳужжатлар орасидан хушрўйгина қиз суратини кўрсатди. — Бу Маликахон Абдуллаева, — деди у. — Хайрон бўлманг, ўтган йили бир тадбир сабаб Қўштепа қишлоғиди энг чекка саналган «Сафаробод» маҳалласига борганимизда шу қизнинг отаси ҳам, онаси ҳам вафот этгани, тоға ва келинйиллар қўлида яшаётганидан хабар топдик ва уни доимий оталиққа олдик. Маликахоннинг оиласи, мактаби билан ҳам доимий алоқада бўлиб, муаммоси бўлса ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. Ҳозир у 9-синфда.

Бундай соҳават бирлашмада ишлаётган бошқа аъзолар учун ҳам йўлга қўйилган. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир ходим касаба уюшма эътиборида. Фаоллар рағбатлантирилиб, муҳтожларга қўмак берилди. Кўнгилочар концерт, оммавий томошалар уюштирилди. Эъзохон опа айтган саёҳатга борган Умида Нуриддинова, Зебо Раҳмонова, Васила Йигиталиева каби аёлларни яхши танийман. Улар юртимизнинг бугу даласини, суви, тупрогини севган оналардир. Бирлашманинг яна 43 нафар ходими касаба уюшма ташаббуси билан гулгун Наманганнинг Қосонсойга, сўлим Фарғонанинг жилмайган жамолини кўриб, тарихий маданий масканлар зиёратига бориб қайтишди. Тошкент, Самарқанду Бухоро, Намангану Фарғона зиё-

ратиди, албатта, уларнинг кўнгли фаҳрга, ифтихорга тўлгани аниқ. Ўзбек халқининг илму салохиятидан, яратувчанлигидан сўзлаб турувчи обидалар — бу Юртбошимиз айтганлариди «Тангрининг назари тушган муқаддас замин» эканини ҳар лаҳза исботлаб турибди. Шу юрт фарзанди бўлиб уларга термулиш ҳар бир кўнглига шукроналик ҳиссини, шу Ватанга муносиб яшаш аҳдини беради.

Табиики, Ватанини севиб фахрланган одам ўз муҳаббатини фарзандларига юқтира олади. Касаба уюшмасининг маблагга ўз ходимининг маънавий оламини кенгайтириб, Ватанга муҳаббатини оширувчи хайрли ишларга сарфланаётгани бежиз эмас. Олтинқўл соғлигини сақлаш тизимидидаги яхши кўрсаткичлар, аввало, соҳа ходимларининг кайфиятига боғлиқ. Ахир ўзи соғлом, касбидан мамнун, шукронаси бор ходим, албатта, яхши ишлайди-да.

Хотин-қизларни спортга жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш тиббиёт бирлашмасидаги эмас, Олтинқўлдаги ҳар бир ташкилот ва муассасида, коллеж ва мактабларда амалга оширилмоқда. Хусусан, қишлоқ ва маҳалалар фуқаролар йиғинларида аёллар иштирокида спорт мусобақалари ташкил қилиниши аънамага айлиб қолди. Айниқса, бўлажақ оналар — қизларнинг спорт билан шуғулланиши соғлигини тикладан ташқари, Ўзбекистон шаъни учун майдонга тушаётган чемпионларнинг етишиб чиқишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Олтинқўл туманининг энг чекка — «Сафаробод» маҳалла фуқаролар йиғинида болалар спортининг ривожланиши шундай изланишлар самараси бўлди. МФЙ раиси Ўғилхон Жабборов ва борада, айниқса, фаол. У маҳалладоши, икки қарра Европа чемпиони Илҳомжон Каримов билан суҳбатлашиб, маҳалла ўраминидаги бўш ётган бинони таъмирлаб, муҳажжигина спорт мактаби очиб берди. Бу ерда маҳалланин 60 дан зиёд ёшлари қўл жанги спорти билан шуғулланишмоқда. 10 нафардан ортиқ мамлакат чемпионлари етишиб чиқди.

Айни пайтда туманда 265 та спорт майдончалари мавжуд. Спортнинг 20 тури билан мавжуд умумтаълим мактабларининг 25 миң 443 нафар ўқувчиси шуғулланади. Бугун Олтинқўл спортчилари сафида Осиё ва Европа мусобақаларида Ўзбекистон байрогини баланд кўтариб, чемпионликни қўлга киритган таэквондочи қиз Мафтуна Толипова, белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони Хусниддин Рўзи-

ев, бокс бўйича Осиё ўйинлари голиби Ойбек Мамазулов, Осиё ва жаҳон чемпионларининг қўл тўпи бўйича голиби Дилбархон Бахромова, шахмат бўйича мамлакат чемпиони Дурдона Тожибоева, кураш бўйича жаҳон чемпионати совриндори Ўзбекжон Анваржонова каби ёш, таниқли спортчилар соғлом турмуш тарзи, соғлом оналик ва болалик учун кураш масъулиятининг исботи. Бундай кўрсаткичлар фақат спортдагина эмас санъат, таълимда ҳам истаганча топилади.

Бир пайтлардаги «ўзбек қишлоқларида фақат пахта теримчилари улғаяди» деган ноҳақ камситишлар мустақиллик туғайли барҳам топди. Бундан атиги уч йил аввал қурилиб фойдаланишга топширилган болалар мусика ва санъат мактабиди бугун туманининг 170 нафар ўғил-қизи саккиз йўналиш бўйича сабоқ олмақда. Уларнинг кўпчилиги туман, вилоят ва республикадагина эмас, халқаро танловларда ҳам иштирок этмоқда. Яқинда мазкур мактабнинг фортепиано синфи ўқувчиси 11 ёшли Муҳаммадосиф Абду-муталлибов Россияда ўтказилган «Гранд Москва фестивал» III халқаро танловида ўз йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллаб қайтди. 13 ёшли Хадича Комилова эса Италия, Франция, Испания давлатларида бўлиб ўтган уч босқичли халқаро фестивал голибаси дипломи соҳибаси. Олтинқўл жажжи хонада Муслима Мирзаева эса касаба уюшмалари Федерацияси ташкилотчилигида ўтказилган «Истиқлол гунчалари», «Болалар қўшиқлари» республика танловларида 1-даражали диплом соҳибаси бўлди. Муслима бунгача Санкт-Петербургда ўтказилган халқаро танловдан ҳам лауреантлик кубогини олиб келган эди.

Юртимизда Соғлом она ва бола йили муносабати билан оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ишлаш ва яшаш шароитини янада яхшилаш, болаларни соғлом вояга етказиш борасидаги хайрли ишлар юксак босқичга кўтарилди. Бу эзгу ишларда касаба уюшмалари ташкилотчилиги алоҳида ўрин тутмоқда. Олтинқўл оналари билан суҳбатлашиб, ғайрат-шижоати жўш урган болаларнинг мамнун хечрасига боқиб, катта галабаларни қўлга киритаётган элимиз шукронаси бесабаб эмаслигига амин бўлам.

**Замира РЎЗИМЕВА,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

XXXI Эгни Олимпия ўйинлари



## Ҳасанбой — финалда!

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилаётган XXXI Эгни Олимпия ўйинларида дзюдо бўйича мусобақаларда ҳамюртларимизга омад етисмаган бўлса, боксчиларимиз етма-кет галабаларни кўлга киритиб, барчамизга ҳушқайфият улашида давом этишмоқда.

Дастлаб вази 91 кг. гача бўлган боксчилар мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Рустам Тўлаев вази 91 кг. гача бўлган чемпионатнинг бронза медали совриндори, Европа ўйинлари қолиби, озарбайжонлик Абдулқодир Абдуллаевни 3:0 ҳисобида мағлуб этди. Рустамнинг жароҳати бўлишига қарамай, яқунда номдор боксчи устидан иродали галабани кўлга киритди. Ярим финалда у россиялик Евгений Тищенкога қарши рингга чиқади.

лари ўртасидаги беллашулар, айниқса, қизиқарли кечди. Ҳамюртимиз Фазлиддин Гоибназаров қонгли рақибини уч раунд ичида уч маротаба ноқдаунга учратди. Сўнгги ноқдаундан кейин ҳақамлар учрашувни давом эттиришдан ҳеч қандай фойда йўқлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилишди.

лик Станионис Элимантосга қарши ўтказиб, рақибини 3:0 ҳисобида таслим этди. Ярим финал йўлларини рақиби учун курашда унинг рақиби кубалик Иглесиас Рониэл бўлади.

Шундан сўнг рингга энг енгил вази тоифаси (-49 кг.) даги боксчилар — ҳамюртимиз Ҳасанбой Дўсмухаммадов ва қозогистонлик Биржан Жакипов чиқишди. Уч раунд давомида тўлиқ устунликка эга бўлган Ҳасанбой азалий рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Боксчи ярим финалда АҚШ вакили Мигел Нико Хернандез билан куч синашиб, финал йўлларини кўлга киритди.

Вазни 69 кг. гача бўлган боксчилар беллашувида Шахрам Гиёсов нимчорак финал беллашувини литвалар

дан махрум бўлди. У илк босқичда полшалик Катарзина Клайсга имкониятни бой бериб қўйди.



Дзюдо бўйича вази 90 кг. гача бўлган полвонлар ўртасида Шерали Жўраев илк жангини жазоирлик Абдураҳмон Бенамадига қарши ўтказиб фақатгина оғохлантиришлар эвазига рақибидан устун келди.

дан махрум бўлди. У илк босқичда полшалик Катарзина Клайсга имкониятни бой бериб қўйди.

100 кг. гача бўлган дзюдочилар ўртасида баҳсларда татамига чиққан Сойиб Курбанов илк жангида украинлик рақиби Артём Блошенко қаршичилигини енгиб ўтолмади.

100 кг. гача бўлган дзюдочилар ўртасида баҳсларда татамига чиққан Сойиб Курбанов илк жангида украинлик рақиби Артём Блошенко қаршичилигини енгиб ўтолмади.

Эслатиб ўтамоғимиз, ҳозиргача Олимпия ўйинларида делегациямиз ҳисобида мавжуд бўлган иккала бронза медални дзюдочиларимиз (Дийрбек Ўрозбоев ва Ришод Собиров) кўлга киритган.

Эслатиб ўтамоғимиз, ҳозиргача Олимпия ўйинларида делегациямиз ҳисобида мавжуд бўлган иккала бронза медални дзюдочиларимиз (Дийрбек Ўрозбоев ва Ришод Собиров) кўлга киритган.

Спортнинг ушбу турида Олимпия ўйинларида иштирок этган ягона қизимиз Гулноза Матнӣзова ҳам, афсуски, беллашуварни давом эттириш имконияти-

дан махрум бўлди. У илк босқичда полшалик Катарзина Клайсга имкониятни бой бериб қўйди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

### Реклама ва эълонлар

**«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклида ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Очик аукцион савдосига фермер ҳўжалиги ташкил этиш ва туман ҳокимлиги билан ер майдонига бўлган ҳўқуқ бўйича ижара шартномаси тузиш шарти билан кўйидаги «Богзор» қўйилмоқда:

1. Ташкент вилояти, Қибрай тумани, «Дўрмон» ҚФЙ ҳудудидида фаолият юритаётган «ОО «РИОН-ЕЗОНОВ АИМАД ВОС» фермер ҳўжалиги балансидаги 2,80 гектар ер майдонига жойлашган 143 туپ гилос ва 220 туپ олхўри даракхларидан иборат «Богзор», бошланғич баҳоси — 14 660 000 сўм.

Очик аукцион савдоси 2016 йил 12 сентябр кўни соат 11:00 да Республика Биржа Маркази биносидида бўлиб ўтади. Аукцион савдоси шу кўни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдоси 2016 йилнинг 15 сентябр кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Заказат пули тўғрисидаги келишувни» ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг «Ипак йўли» АМТБ Ташкент шаҳар Миробод филиалидаги 2020800804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар кўйидаги ҳўжатларни топшириши керак:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Маъруз ҳўжатлар эълон қилинган кўндан беш кўнунг, жаминнинг расмий иш кўнида соат 9:00 дан 16:00 гача Ташкент шаҳар, Миробод тумани, Бурқор кўчаси 10-уй, 1-қават, 16-қонда қабул қилинади ва савдодан бун қонун соат 16:00 да тўхтатилади. Қўшимча маълумотлари realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR — №0008.

Дочернее предприятие «АВТОМОТОНАВАСКОР-BRABUS» зарегистрированное по адресу: г.Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Оккупирован, 25, от 11.12.2013 г. под реестровым №008595-04 Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Мирзо-Улугбекского района г.Ташкента. ИНН: 302737322, ПРЕОБРАЗУЕТСЯ (РЕОРГАНИЗУЕТСЯ) в Общество с ограниченной ответственностью «АВТОМОТОНАВАСКОР-BRABUS». Правопреемником является ООО «АВТОМОТОНАВАСКОР-BRABUS».

Дочернее предприятие «АВТОМОТОНАВАСКОР-SERGELI» зарегистрированное по адресу: г.Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Оккупирован, 25, от 11.12.2013 г. под реестровым №008595-04 Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Мирзо-Улугбекского района г.Ташкента. ИНН: 302737322, ПРЕОБРАЗУЕТСЯ (РЕОРГАНИЗУЕТСЯ) в Общество с ограниченной ответственностью «АВТОМОТОНАВАСКОР-SERGELI». Правопреемником является ООО «АВТОМОТОНАВАСКОР-SERGELI».

Дочернее предприятие «АВТОМОТОНАВАСКОР-PATRIOT» зарегистрированное по адресу: г.Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Оккупирован, 25, от 11.12.2013 г. под реестровым №008595-04 Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Мирзо-Улугбекского района г.Ташкента. ИНН: 302737322, ПРЕОБРАЗУЕТСЯ (РЕОРГАНИЗУЕТСЯ) в Общество с ограниченной ответственностью «АВТОМОТОНАВАСКОР-PATRIOT». Правопреемником является ООО «АВТОМОТОНАВАСКОР-PATRIOT».

Дочернее предприятие «АВТОМОТОНАВАСКОР-MALIBU» зарегистрированное по адресу: г.Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Оккупирован, 25, от 24.09.2013 г. под реестровым №008419-04 Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Мирзо-Улугбекского района г.Ташкента. ИНН: 302714138, ПРЕОБРАЗУЕТСЯ (РЕОРГАНИЗУЕТСЯ) в Общество с ограниченной ответственностью «АВТОМОТОНАВАСКОР-MALIBU». Правопреемником является ООО «АВТОМОТОНАВАСКОР-MALIBU».

Дочернее предприятие «АВТОМОТОНАВАСКОР-NISSAN» зарегистрированное по адресу: г.Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Оккупирован, 25, от 24.09.2013 г. под реестровым №008419-04 Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Мирзо-Улугбекского района г.Ташкента. ИНН: 302714145, ПРЕОБРАЗУЕТСЯ (РЕОРГАНИЗУЕТСЯ) в Общество с ограниченной ответственностью «АВТОМОТОНАВАСКОР-NISSAN». Правопреемником является ООО «АВТОМОТОНАВАСКОР-NISSAN».

«Хасанбой ота» нон-МЧЖ корхонасига тегишли бўлган давлат рақами 01 543 НСА «ДАМАС VAN» автоуловига Ўзбекистон Республикаси Автономия ва дарё транспорти агентлиги томонидан 2012 йил 25 октябрда берилган АТ №1175976 ва АТ №1175973 сонли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ташкент вилояти Чиноз туманида жойлашган 17-умий ўрта таълим мактаби томонидан 2009 йил 13 июнда Ибрагимовна Риана Сергеевна номига берилган У № 4010245 рақамли шахадатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ташкент вилояти ва йўллар институти томонидан 2004 йилда Холова Дилбар Усмонова номига берилган В№146114 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**MUASSIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:**  
Jahongir Sharofboyev  
**Tahrir hay'ati:**  
Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**  
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

**Manzillim:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: xatar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Satovda erkin narxda.

ishonchdand olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi short. Mualliflar fikri ta'hiyotni nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 314-13-03  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

**Navbachi muharrir:**  
A. Toshev  
**Navbachi:**  
A. Arslonov  
**Musahhih:**  
S. Shodiyeva  
**Sahifalovchi:**  
H. Abdullajilov

Boshiga topshirish vaqti — 21:00  
Topshirishi — 21:30

1 2 3 4 6

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.**  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi».  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G — 815. 14176 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxminiy zissob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATB «Ипотека банк» Шибобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100


### Мушоҳада

## Ҳаётни ёритувчи шамчирик

**Китоб — энг яхши ҳамроҳ. Китоб ўқиган, адабиётни севган кишининг тонги файли, тунги хайрли бўлади. Атрофимизда ана шундай саодатманд инсонлар кўп. Улардан бир нечта фахрийси Қадамбой Ортиқовдир.**

Қадамбой ака уйда каттагина кутубхона ташкил этган. Ёшларга кўп ўқинг, имкониятлардан фойдаланинг, дея насихат қилади. Ҳаётини китобсиз тасаввур қила олмайди. Болаларни, ўқувчиларни китобга қизиқтиришнинг энг мақбул усули нимада, деб савол берганимизда у, таълим ва тарбиянинг тенг олдиди, борлишида, деб жавоб берди. Шунингдек, бунинг учун, аввало, ўқитувчининг билими ўткир, ҳам илм, ҳам тарбия беришни эплаши лозим. Ўқишга қизиқиш ёшидан, болалиқдан бошланади. Отана фарзандига байрамларда бирон кийим-кечак ёки ширинлик ўрнига эртас китоб совға қилса ёки тарбиявий аҳамиятга эга бадиий асар ўқиб бериб, мазмун-моҳиятини тушунирсин, болада китобга меҳр уйғонади, кундан-

кунга қизиқиши ортиб боради, деди. — Китобни кексаларга ўхшатаман, — дейди у. — Чунки китоби бор уйнинг файзи бўлади, инсонлари меҳр-оқибатли бўлади. Китобни кимлар ўқимайди? Яқинда узоқ қариндошимизнига меҳмонга бордик. Уйдаги каттақон жавон китоб ўрнига кимматбаҳо идиш-товоқлар, бежирим нарсалар билан тўла. Жавоннинг чиройлилиги ҳақида гап очганимда, китоб сўзини бирор марта тилига олгани йўқ. Савияли, идрокли, кенг фикрли инсонларни шакллантиришимиз учун ҳар бир оилада камид битта шахсий кутубхона бўлиши лозим. Китоб инсон йўлини ёритиб турадиган шамчирик гўё. Уқимаган инсон ҳаётда адашди, қоқилади. Охир-оқибат



тақдирини ҳал қилишни бошқаларга топшириб қўяди. Сўз — Яратганим каломи. У эса ҳар биримизга адабиёт орқали сингади. Сўзнинг қудрати шундаки, у орқали кимнингдир дилини оғритишнинг ёки сининг кўнгилга малҳам олишининг мумкин. Булар эса адабиёт орқали амалга оширилади. Бирор бир асарни кўлга олар экансиз, ундаги сўзлар, воқеийлик кишини ҳаяжонга солади. Ўзгача кайфият бахш этади. Қаҳрамоннинг йигисига, қувончига шерик бўласан, ҳаётга муносабатинг шаклланади. Буларнинг бари адабиёт кашф этган мўъжиза, аслида.

Назокат МАШАРИПОВА

### 2016 йил — Соғлом она ва бола йили

**Дилнозанинг бўйи етиб қолганини онаси совчилар эшик қоқиб келганда-гина пайқайди. Ўқимини, зейли оилада тарбия толган бўлгуси қувв унга узукка қўз қўйгандек мос эди. Истаклари ижобат бўлган ота-она тўй ташвиши билан елиб-югура бошлади. Кимдир келиннинг тилла тақинчоқларини мақтаса, яна биров унинг сенига ҳавасманд эди.**

## Оила бахти

Ҳар бир қиз бошидан кечирадиган тўй ташвишлари Дилнозани ҳам четлаб ўтмади. Вақти келин куйлак танлаш, гўзаллик салонига буюртма бериш билан ўтди. Фақат ҳоласининг никоҳ гувоҳномасини эсига тушириши уни ўйлантириб қўйди. Тиббий кўрик нима бўлади? Бирок жонқуяр дугонасининг яхши шифокор танишим бор, ҳаммасини ими-жимиди тўғрилаб оламиз, деган сўзлари унга тасалли берди. Юзига тасаллам югурди. Бу тақлиф қувв йигитга ҳам маъқул келди. Ниҳоят, ортиқиб қутилган дабдабали тўй ҳам бўлиб ўтди. Аммо катта муаммо тўйдан кейин бошланди. Келиндаги касаллик оила деб

аталган муқаддас қўрғонга раҳна солди. Шунча уриниш ва муолажалар уларни фарзанд кўришдек бахтдан айирди. Бирок, сўнги пушаймон ўзининг душман, деганларидек катта-катта оруз-ҳаваслардан барпо бўлган оила қайғу-ташвиш гирдобига қолди.

Никоҳ инсоннинг энг бахтли лаҳзаларидан бири. Келин ва қуввнинг ширин турмуш кечирishi уларнинг саломатли-

Бугунги кунда маънавий уйғоқлик ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, истиқлол йилларида эришган ютуқларимизга шукрона келтириш, шу ва айни вақтда жаннатоманд ўлкамизни шум ниятли кимсаларнинг ёвузликларидан омон сақлаш учун ҳушёр бўлиш маънавий оғохликнинг илк белгисидир. Бугун юртимизнинг оромбахш ҳудудларида фаолият юритаётган Санатор-курортлар бошқармаси тизимидаги сихатгоҳларда ўтказилаётган «Маънавият соатлари»да шулар ҳақида сўз юритилмоқда. Шундай тадбирларнинг навбатдагиси «Чортоқ» сихатгоҳида ташкил этилди. Давра сужбати иштирокчиларининг фикрларини сиз ҳам тингланг-а.

## Сихатгоҳда маънавий ҳордиқ

**Маҳмуда МУРЗАЕВА, УзҚУФ қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси Ўқув-услубий маркази маданий-маърифий ишлар мутахассиси:**

— Бугун биз мустақилликнинг 25 йиллиги арафасида турибмиз. Бу давр оралиғида мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Одамларимизнинг турмуш тарзи, фаровонлик даражасига дунё ҳавас-ла бўлмоқда. Отақону онақонларимиз юртинг азиз кишилари, муҳтарам зотларга айланмоқда. Биргина 2015 йилда 50 миңдан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, пенсионерлар ва ногиронлар санаторийларда бепул даволанди. Улардан 7 миң нафарига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилди. 5 миңдан зиёд қарияларимиз учун замонавий клиникаларда операциялар ўтказилиб, улар ўз дардида шифо топди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Чунки истиқлол чегараси йўқ имкониятларни қўлимизга тутқазмоқда. Биздан талаб қилинаётгани эса фақат юксак марраларни кўзлаб яшашидир.

**Ғайбулло ТУРҒУНОВ, Чортоқ туманидаги «Оромгоҳ» МФЙ котиби:**

— Сихатгоҳ жойлашган «Оромгоҳ» МФЙ ҳудудига 810 та оила, 3700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳаёт шунинг тасдиқламоқдаки, қаерда ҳамжиҳатлик ва тотувлик бўлса, ўша жойда кут-барак бўлади. Зеро, истиқлол йилларидан эришганимиз ривожланиш ва тараққиёт ўз-ўзидан бунёд бўлмади, биров келиб ҳада этмади. Шундай экан, уни асраш, ҳимоя қилиш ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир.

**Абдуғафур ФОЗИЛОВ, Чортоқ туманидаги «Абу Бакр Сиддиқ» жомеъ масжиди имом хатиби:**

— Ватанини севмоқ иймандандир, дейилади муқаддас ҳадисларимизда. Зеро, ўзини таншиш, ўзига шукр айтишни ўрганиш йўли бизни кўтариб турган ерни қадрлашдан, устимизни бут, қорнимизни тўқ, қалбимизни фарогатга тўлдирётган халқни, она тупроқни севишдан бошланади.

Ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани ёдга олсам. Истиқлол туғайли бир неча йил муқаддам умра сафарини учун отланган гуруҳга Саудия Арабистонидида раҳбарлик қилиш бахти nasib этди. Ўзбекистонлик зиёратчилар қўнадиган тамаддиҳонада «ой тарқатуви бўлиб ишлайдиган хизматчи йигит бизга алланечук илинж, ҳавас ва надомат қоршиқ тўйғу тўла кўзларини текиб «Ўзбекистонданмишлар?» дея савол берди. Тасдиқ жавобини олғач, «Менинг ҳам ота-боболарим ўзбек. Оиламизнинг Арабистонда туғилиб катта бўлаётган унчинг авлод вақилиман. Минг афсуски, ҳали ҳам фуқаролик ололмадик, шу туғайли фарзандларимни саводли қила олмадик, таълим олишларига имкон ярата олмадик. Аммо уларга ҳеч бўлмаганда, кимларнинг наслидан эканликларини ўқитишни, болаларига шу ҳақда сўйлаб беришларини хоҳлайман. Кичкиналимизда бобом тегагарак (думалоқ демокчи) қозонда дўппидекина ош дамлаб берардилар. «Она тупроғимизда бу таомининг таъминоти тотиш ҳеч нарсига тенг келмайди», дердилар. Ушунда тушунмаганим, ўзим кўрмаганим, аммо бир умр соғинганим Ватан соғиничини энди ҳар дам англамоқдаман. Сизлардан илтимос, мендек бир ватандошингиз учун Ўзбекистон ҳавосини туйган, офтобларининг тафтини сингдирган бир донга тегагарак қозон жўнатсаларингиз. Мен ҳам болаларимга ўзбекман деганиннг йигити шундай ош дамлайди, дея ўргатиб қолмишга улгурай...»

Сўхбатимиз давомида кўзидан бир дам бўлсин, ёш аримади шўрликнинг. Не бахти, биз Ватан қучоғида яшаймиш. Очиб боражак эшигимиз, ҳовлимизнинг бир четиди қозон-ўчоғимиз бор. Бир кун кўринмай қолсақ, қаердасиз деб йўқлағувчи, тили, дили, дини бир маҳалладошларимиз бор. Алал-оқибат Ўзбекистон аталмиш муҳташам қошонада 30 миллиондан зиёд ҳар фуқаронинг қўлида ҳужжатию, эл ичиди ўрни бор. Мана шуларнинг ўзи саодат, бахт кетидан бахт туғилишига сабаб бўлувчи манзаралар эмасми! Давра сужбатида, шунингдек, «Чортоқ санаторийси» ОАЖ директори Ш.Абдуназаров, «Оромгоҳ» МФЙ инспектори Ботиржон Акбаров, ишчи-ҳодимлар, дам олувчилар, маҳалла аҳли ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

**«Ishonch» мухбири Дилдора РАҲМОНОВА ўзбек олди**

гига ҳам боғлиқ. Бугунги кунда никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг жойқ этилиши юқоридики каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган.

— Тиббий кўрик оилада соғлом муҳитни яратиш, соғлом фарзандлар туғилишини таъминлаш, ўзларидики ай- нувчига, биринчи навбатда, тиббий кўрикнинг аҳамияти ўқитилади, мисоллар ёрдамида тушунирилади, маслаҳат ва тавсиялар берилади.

— ФХДЭ идоралари томонидан рўйхатга олиндиған ҳар бир никоҳланувчи Оила кодексига мувофиқ тиббий кўриқдан ўтиши шарт. Кўрик, албатта, бепул ўтказилади. Уларнинг қай бирида касаллик аниқланса, ўз розилиғи билан никоҳга рухсат берилиди ёки рад этиш ҳолати ҳам қузатилиши мумкин, — дейди Қўшқўпир туман ФХДЭ бўлими мудири К.Усмонова.

Ушбу фикрлардан ҳам аёнки, тиббий кўрик бир томондан саломатлиғимиз қафолати бўлса, яна бошқа муҳим жиҳати, оилада бахтли турмушини таъминлаш гарови ҳамдир. Шундай экан, оилавий ҳаёт оstonасига қадам қўяётган ҳар бир ёш турмуш тотувлиғига эришаман деса, албатта, тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтиши зарур.

**Рухия ИСМОИЛОВА**